• Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши учинчи сессияси олдидан

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАНИНГ ТУРЛИ ЖИҲАТЛАРИ

***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан сўнг мамлакатимизда фуқаролар жамиятини барпо этиш муаммосига қизиқиш жуда кучайди. Бу жараён фақат Ўзбекистонда эмас, шу билан бирга собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида вужудга келган барча давлатларда кечмоқда. Хўш, фуқаролар жамияти тушунчаси нимани билдиради?***

Президентнинг маърузасида демократик, адолатли фуқаролар жамиятини қуриш халқимиз, умумбашарий қадриятларни ҳурмат қиладиган давлатимизнинг стратегик мақсади экани айтилди. Шу муносабат билан маърузадан келиб чиқиб, ижтимоий тотувликни шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти, кескин зиддиятлардан ижтимоий ва сиёсий муросани излаш ва топишга ўтиш энг муҳим эҳтиёжга айланмоқда.

Фуқаролар жамиятини барпо этиш, аввало иқтисодий муносабатларни демократлаштиришни, мулкчиликнинг турли шакллари тенглиги қоидасини амалда тасдиқлашни, хўжалик фаолиятининг тўла эркин бўлишини, иқтисодий юксалишни таъминлаш омили бўлган хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ички сиёсат ана шу қоидаларни изчиллик билан рўёбга чиқаришга қаратилган. Сўнгги йилларда қабул қилинган Президент фармонлари ва муҳим ҳукумат ҳужжатларини эсга олайлик: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, фермерликни ривожлантириш, хусусий мулкчилик ва сармояларни муҳофаза қилиш, мамлакат учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариб, амалда янги иқтисодий муносабатларнинг қарор топишига кўмаклашаётган корхоналарга имтиёзли солиқ солиш, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадбиркорларга кафолат берадиган қонунлар ана шундай муҳим ҳужжатлардир.

Президентнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек, 1994 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимизда режалаштирилган ўзгаришларни амалда рўёбга чиқариш учун айниқса муҳимдир.

Бу фармонларда кўзда тутилган чора-тадбирлар мулкчилик шакли турлича бўлган иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни ўтказишга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, сармоя жамғармалари, тафтиш хизмати, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржаси, республиканинг жаҳон бозори тизимига қўшилишига имкон берадиган ўзга бозор тузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Республикада сиёсий ҳаётни демократлаштириш фуқаролар жамиятини шакллантиришнинг муҳим белгиси бўлди. Ҳозирги босқичда кўп партиялилик қоидаларини жорий этиш ва изчиллик билан қарор топтириш Олий Мажлис фаолиятининг фарқ қилувчи белгисига айланди. Ўзбекистон парламенти биринчи чақириқ биринчи сессиясидаёқ депутатлар таъсис йиғилишларининг аризалари ва тегишли ҳужжатларини кўриб чиқди.

Натижада Олий Мажлис ваколатли ҳокимият органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокини, 69 депутатдан иборат Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясини, 47 депутатдан иборат «Адолат» социал-демократик партияси фракциясини, 14 депутатдан иборат «Ватан тараққиёти» партияси фракциясини рўйхатга олди.

Олий Мажлис кўп партиялилик қоидасини тасдиқлар экан, парламентда барча масалалар турли блок ва фракцияларнинг ғоя ва фикрларини бир-бирига қиёслаш асосида ҳал қилишига, сиёсий муроса асосий қоида бўлиб қолишига асосланади.

Фуқаролар жамияти ижтимоий соҳани ривожлантириш, турли жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти учун тарбия, таълим ва маданият, инсон ҳаётининг дастлабки негизи бўлган оила, оммавий ахборот воситалари тизими учун муайян шарт-шароитлар бўлишини назарда тутади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий қисми фуқаролар жамияти доирасида амалга ошади. Шу сабабли жамиятда вужудга келаётган ўзаро ижобий муносабатлар, жамиятнинг ижтимоий ташкилотлари қўллаб-қувватланмоқда ҳамда қонун билан ҳимоя қилинмоқда. Фуқаролар жамиятининг эркин ривожланиши давлат томонидан ортиқча васийлик қилишни истисно этади ва ҳаётнинг барча асосий соҳаларида чинакам демократик негизларни ва ўзини ўзи бошқаришни қарор топтиришга кафолат беради. Юқорида айтилган маърузада таъкидланганидек, фуқаролар жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув тузилмалари энг муҳим умуммиллий вазифаларни бажаради: мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилиш, валюта-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчилик билан шуғулланади.

Фуқаролар жамияти моҳият жиҳатидан адолатли жамиятдир. У барча фуқаролар учун тенг имкониятларнинг самарали тизими бўлишини, оқилона ижтимоий, мулкий тенглик таъминланишини кўзда тутади. Шу жамиятни ўз ичига олган давлат зиммасига жамият аъзолари моддий бойлигида пайдо бўладиган ҳаддан ташқари катта тафовутни камайтиришга қодир бўлган ижтимоий ҳуқуқий дастурларни амалга ошириш вазифаси юкланади.

Биз мамлакатимизда бой, чинакам бадавлат одамлар мумкин қадар кўп бўлишига мутлақо қарши эмасмиз. Аммо фуқароларнинг бирор қисми қашшоқликда яшашига йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳатто собиқ Иттифоқ барбод бўлганидан кейинги иқтисодий тартибсизлик авж олган бўҳрон даврида ҳам Ўзбекистонда ҳеч ким турмуш учун зарур бўлган имкониятларнинг энг кам миқдоридан паст даражада яшагани йўқ. Тезда вазиятни барқарорлаштирадиган ижтимоий муҳофазанинг энг ишончли воситалари билан таъминлашимиз лозим бўлган фуқаролар жамиятида бундай қашшоқликка мутлақо йўл қўйилмайди.

Фуқаролар жамиятида давлат ва ҳуқуқ ижтимоий муросага эришиш йўли билан зиддиятларни бартараф этиш тартибини таъминлайди. Давлатимизнинг фаолиятида, ҳуқуқнинг амал қилишида шу нуқтаи назардан турли ижтимоий гуруҳларнинг муштарак манфаатлари ифода қилинади. Ўз-ўзидан равшанки, маълум доирада мажбур қилиш йўли билан ижтимоий тартибни таъминлаш мумкинлигига йўл қўйилади. Лекин бу иккинчи масаладир. Давлат ва ҳуқуқнинг асосий вазифаларини ижтимоий тотувлик, муроса ташкил этади.

Бу йўл Ўзбекистон ислоҳотларнинг иккинчи босқичида янги иқтисодий муносабатларга ўтишнинг ўзи танлаб олган андозаси бешта асосий тамойилларига кирадиган давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий вазифалари назарияси билан аниқ ва изчил асослаб берилган. Ислом Каримов таъкидлаганидек, энг муҳими — тинчлик, барқарорлик, миллати, эътиқоди турлича кишиларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро ҳурмати ва ўзаро тоқати, шунингдек, кучли ижтимоий муҳофазадир.

Президентнинг сессиядаги маърузасида бозорга ўтиш шароитида давлат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари концепцияси аниқ баён қилинган. Бу концепция шундан иборатки, давлат инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини, унинг ҳуқуқлари кафолатини ўз зиммасига олади ва уни бозор стихиясига ёлғиз ташлаб қўймайди. Бу концепция ижтимоий адолат ва ахлоқ қоидаларига асосланган жамият барпо этишни кўзда тутади.

Давлатимиз бошлиғи бозорга ўтиш шароитида фуқароларга нисбатан чуқур асосланган ва собитқадам йўлни тутмоқда. Бу инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг қоидалари билан боғлиқ бўлган энг муҳим муаммолардан бири десак хато бўлмайди.

Бу ерда гап давлатнинг фуқаролар шахсий ҳаётига қандайдир йўл билан аралашиши тўғрисида эмас, балки давлатнинг фуқарога нисбатан инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 25-моддасида ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатнинг 11-моддасида ёзиб қўйилган вазифаларини бажариш, яъни ҳар бир кишининг турмуш даражаси етарли даражада юқори бўлишини жумладан озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, фуқаро ва унинг оиласи саломатлиги ҳамда фаровонлигини сақлаб туриш учун зарур бўлган тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишни, шунингдек, ишсиз, касал, ногирон бўлиб қолган тақдирда, қариганда ёки ўзга йўл билан яшаш учун зарур маблағдан маҳрум бўлган тақдирда уни таъминлашга кафолат бериш мақсадида давлат йўли билан кўмаклашиш тўғрисида бормоқда.

Хусусий мулкчиликнинг қайтадан тикланиши ва ундан фойдаланиш умумий манфаатларга хизмат қилиши лозим. Умумий манфаатлар деганда ҳар бир кишининг манфаати ҳам кўзда тутилади. Фақат мулк эгасигина эмас, шу билан бирга сармоя туфайли ишлаш ва даромад олиш имкониятига эга бўлган барча кишилар хусусий мулкчиликдан наф кўриши туфайли давлат шу хусусий мулкни ҳимоя қилишга кафолат беради.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатларни давлат йўли билан тартибга солишнинг турли усулларини кўзда тутди. Шубҳасиз, бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тўла-тўкис таъминлаш, бозор муносабатларига мос келадиган барқарор қонунларни яратиш бундай муҳофазанинг зарур шартидир. Аммо фуқароларнинг қонунда ёзиб қўйилган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ўз-ўзидан амалга ошаверади, деб ўйлаш хато бўлур эди. Иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тузилмаларни тубдан ислоҳ қилиш чоғида давлатнинг саъй-ҳаракатлари асосан инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омилларини ажратиб кўрсатишга ва аниқ воситаларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Ўтиш даврида давлатнинг шу давр шароитини ҳисобга олган сиёсати бозор иқтисодиётига ўтишнинг салбий оқибатларини мумкин қадар камайтириш, ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароитини яратиш, айрим кишиларнинг ҳуқуқлари бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳисобига амалга оширилишини истисно қилишдан иборат.

Биз давлатимиз мустақиллигини эълон қилиб, айни шу йўлни танладик. Президентимизнинг тегишли фармонлари эълон қилинди, ижтимоий муҳофаза тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ҳожатманд кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга жамиятда халқнинг мамлакат раҳбариятига ишончи муҳитини ҳам яратди.

1995 йилда байналмилалчи-жангчиларга, уруш ногиронларига аравачалар сотиб олиш учун ижтимоий таъминот вазирлигига 840 минг Америка доллари миқдорида валюта ажратилди. Бу ижтимоий гуруҳ, уларнинг оила аъзолари бир қанча солиқларни тўлашдан озод этилган. Квартираларни хусусийлаштиришда, дори-дармонларни сотиб олишда ва бошқа соҳаларда уларга имтиёзлар берилган.

Ўқитувчиларга, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, уларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида, фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжалигини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари, бошқаларнинг қаровига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари, Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш, аҳолига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида Президентнинг бир қанча фармонлари, шунингдек, кўпгина бошқа асосий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитида давлатимиз бошлиғининг йўл-йўриқларига амал қилиб, аҳолини, айниқса унинг ижтимоий ночор табақаларини муҳофаза қилиш чораларини изчиллик билан амалга оширди. Яхши муҳофаза қилинмаган ижтимоий гуруҳларга моддий мадад бериш юзасидан ҳукумат киритган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Аҳолининг иш билан таъминланишини тартибга соладиган, корхонанинг бекилиши ёки қайта ташкил этилиши муносабати билан вақтинча ишсиз қолган шахсларга кафолот берувчи қонунлар ўз вақтида қабул қилинди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (уларда ёши ёки касаллиги туфайли пул ишлаб топиш имконияти чекланган кишиларга муҳим ижтимоий кафолатлар бор), «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ҳамда ёш авлоднинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, аёллар ва болаларнинг аҳволини яхшилашга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Российская газета» мухбири билан суҳбатда айтганидек, меҳнатсевар халқимиз давлатимизнинг энг катта бойлигидир. Диёримизда инсонийлик ва инсонпарварлик, тинчлик ва аҳиллик, яхшилик ва адолат каби буюк қадриятларни тарғиб қилган улуғ мутафаккирлар яшаган. Шунинг учун ҳам биз ўз тарихимиз, яхши анъаналаримиз билан фахрланамиз.

Халқ, унинг фаровонлиги ва осойиштали орзуси ватанимизнинг анъанаси, халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фазилатидир. Буюк бобомиз Амир Темур ўз «Тузуклар»ида мамлакатни истиқомат жойи сифатида танлаган барча қариялар, дарвешлар, қаландарлар нафақа ва маош олди, ночор аҳволга тушиб қолган бошпанасиз одамлар бу ерда ризқини топди, уларнинг ҳаммаси иш билан таъминланди, давлатда қашшоқлар йўқ эди, деб ёзган эди.

Аҳолининг ҳожатманд табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга тегишлича ёрдам бериш ўтиш даврининг иккинчи босқичида ҳам Олий Мажлис учун асосий йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Биз одамларни тенг ижтимоий кафолат билан таъминлашимиз лозим. Бу эса маълум сабабларга кўра камбағаллашиб қолган ва бошқа неъматлардан маҳрум бўлган кишиларга алоҳида эътибор беришни, муайян одамларни кўзда тутиб, уларга ижтимоий мадад тизимига ўтиш жараёнини кучайтиришни тақозо қилади.

Халқ ўз тақдири ва келажагини Президентимизга ишониб топшириб, давлатимиз амалга оширилаётган мустақиллик сиёсатини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётган экан, бу йўл бахтли турмушга олиб боришига комил ишонч билан қарашга ҳақлидир.

**Баҳодир ЭШОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитаси раиси.**
**(ЎзА).**

---

*Мустақилликнинг тўрт йиллигига*

***Истиқлол шарофати билан миллий давлатчилигимиз қайта тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён эса ҳар жиҳатдан билимдон, юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, замон руҳини теран ҳис этадиган раҳбар ходимлар, мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 19 апрелда чиқарган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ана шу олижаноб мақсадни амалга оширишга қаратилган эди.***

***Ҳозир мазкур академияга ҳужжатлар қабул қилиш бошланди. Шу муносабат билан академия проректори, филология фанлари доктори Нажмиддин Комиловдан бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилдик:***



# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

**— Нажмиддин ака, академия олдида турган мақсадлар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Биз ажойиб тарихий даврда яшамоқдамиз. Мустақил Ўзбекистон ҳамма соҳаларда ривожланиш ва янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Биз тадрижий равишда бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичини муваффақиятли якунлаб, иккинчи босқичга дадил қадам қўйдик. Халқимизнинг турмуши, тафаккури ва руҳиятида теран ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ана шу ўзгариш ва ислоҳотлар ўз навбатида бошқарув тизимини такомиллаштириш, раҳбарлик бўғинлари ишини фаоллаштириш, раҳбар ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилаш вазифасини қўймоқда. Зеро, ҳозир раҳбарнинг масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортди. Кучли давлат мамлакат мустақиллигининг таянчи бўлса, чинакам билимдон, жонкуяр, тадбиркор ва салоҳиятли раҳбарлар унинг қанотидир. Бошқача айтганда, ҳар бир раҳбар ўзгаришларни тез англаши, техникавий ва технологик янгиликлар, иқтисодий қонуниятлардан яхши хабардор бўлиши, ҳуқуқий билимларни эгаллаши зарур. Эндиликда нуқул буйруқбозлик, амру фармонлар билан раҳбарлик қилиб бўлмайди. Биз ижтимоий адолатга асосланган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуряпмиз. Барча бўғиндаги раҳбарлар ана шунга мос тайёргарликка эга бўлиши лозим. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи йиғилишида қилган тарихий маърузасида: «Иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар моҳияти, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ», деб бежиз таъкидламаган эди.

Кўриниб турибдики, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали билимдон, салоҳиятли раҳбар ходимларни тайёрлаш, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлаб малакасини ошириш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифага айланмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси зиммасига ана шу вазифани амалга ошириш масъулияти юкланган.

**— Академияга кимлар қабул қилинади ва қабул шартлари нималардан иборат?**

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, академияга тингловчилар қабул қилишнинг қоидалари республика рўзномаларида жорий ой бошида эълон қилинди. Шундай бўлса-да, бу қоида ва шартларнинг асосий жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтаман.

Биз тингловчиларни ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, тузилмалар раҳбарлари орасидан танлаб оламиз. Бошқарув идораларининг ўрта бўғинга мансуб мутахассис ва раҳбарлари ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг истеъдодли вакиллари ҳам академияда таҳсил олиши мумкин. Қисқаси, академияга ўқишга кирувчилар олий ўқув юртини битиргандан сўнг, камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлиши шарт.

Академияда турли давлат ва хўжалик муассасалари, корхоналар билан шартнома (контракт) асосида ўқитиш ҳам йўлга қўйилади.

Ҳужжатлар 5 сентябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 15-25 сентябрь кунлари ўзбек ва рус тилларида суҳбат ва тест синовлари орқали ўтказилади.

Тест синовлари мутахассисликларга қараб тузилган. Чунончи, давлат ва жамият қурилиши факультетига қабул қилинувчилар Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик ва иқтисодиётдан имтиҳон топширсалар, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетига кирувчилар иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежментдан имтиҳон топширадилар.

Тест саволлари фанларнинг умумий асослари бўйича тузилган, мураккаб жиҳатлар соқит қилинган. Масалан, ҳуқуқшунослик тестлари Ўзбекистон Конституцияси, Мустақиллик йиллари қабул қилинган қонунлар мазмуни ва аҳамиятини аниқлашга қаратилгандир.

**— Академияда ўқиш жараёни қандай кечади? Уни битирувчилар ким бўлиб етишади?**

— Академияда иккита — давлат ва жамият қурилиши ҳамда бозор иқтисодиёти ва тамойиллари факультети мавжуд. Ўқиш муддати 10 ой, қайта тайёрлаш курси эса уч ой давом этади.

Ушбу муддатлар давомида тингловчилар Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, бу соҳалардаги тараққиёти, ўзгариш ва янгиланишлар, шунингдек, миллий ва жаҳон фани, маданияти ютуқларини инобатга олиб ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида билим оладилар. Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, академияда таҳсил-тарбия ўзига хос йўсинда давом этади. Ўқув дастурлари илмий-амалий масалаларни ҳаётий муаммо тарзида қўйиб, уларнинг ечимини қидириш назарий-тафаккурий билимларни фаолият ва амалиёт билан боғлаш асосида тузилган. Тингловчиларга илмларнинг қаймоғини бериш, энг янги хулоса ва тажрибалар натижасини етказиш баробарида мустақил муҳокама-мунозаралар, чуқур тадқиқот-изланишлар орқали илмий ҳақиқатларни аниқлаш, фикрни бойитишга кенг майдон яратилади. Биз учун муайян маънода янгилик бўлган халқаро ҳуқуқ, инсон ҳуқуқи, менежмент, маркетинг, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт фанлари ўқитилади. Жаҳон парламентаризм тарихи, партиялар фаолияти, демократик давлат хусусиятлари, инсоният жамиятининг ўзига хос тараққиёт йўллари, фуқаролик жамияти ва демократия каби илмлар ўзлаштирилади. Халқаро протоколлар, муносабат-муомала одоби ва ҳоказолар ҳам дастурлардан ўрин олган.

Асосий мақсад — тингловчиларнинг илмий-маърифий савиясини кўтариш, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун уларга кўмаклашишдир. Бунинг учун академияда барча шарт-шароит муҳайё. Республиканинг энг пешқадам олим ва мутахассислари, чет элдаги фан марказлари вакилларини жалб этиш кўзда тутилган. Таниқли давлат ва жамоат арбоблари тингловчилар ҳузурида чиқишлар қиладилар. Бундан ташқари, истеъдодли тингловчилар хорижий давлатлардаги ўқув марказларига, фирмаларга стажировкага юборилади. Шу йўсинда уларга давлат қурилиши ва ҳуқуқ, фуқаролар жамияти, чет тили, пул, кредит ва банклар тизими, бозор иқтисодиёти асослари бўйича пухта билим берилади.

Таъкидлаш керакки, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида давлат хизматчилари, мансабдор кадрларни тайёрлайдиган илмий даргоҳлар тажрибаси ҳам бизга асқотади, аммо биз кўпроқ ўз анъаналаримизга таянамиз.

**— Нажмиддин ака, жаҳон илм-фани ютуқларини ўзлаштириш ҳақида гапирдингиз. Лекин ўзимизнинг маънавий меросимиз-чи? Ахир биз минг йилдан ортиқ давлатчилик тарихига эга халқмиз.**

— Ўзбекистон тарихи, жумладан, давлатчилик тарихимиз, маънавий қадриятлар ва маънавий мерос академия дастурларидан катта ўрин эгаллаган. Ўн иккита кафедранинг бештаси миллий маънавиятга оид илмларга тегишли эканини айтишим кифоя. Булар: диншунослик, миллий-маънавий мерос, фалсафа, Ўзбекистон тарихи ва нутқ маданияти кафедралари. Аммо маънавият бу фақат билим эмас, маънавият — бу тарбия воситаси, ўз-ўзини англаш, тикланиш ва ҳақ-ҳуқуқини ажратиб олиш омили, миллий юксалиш илдизидир. Ўзбек давлатчилиги тарихи, халқимизнинг миллий анъаналари ва ижобий хислатлари, шариат ҳуқуқшунослиги, ислом фалсафаси, бой адабиётимизни ўрганганда биз ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қиламиз. Зеро, биз янги, буюк Ўзбекистон давлатини қурар эканмиз, адолат, инсоф, меҳр-шафқат, саховат ҳақидаги улуғ боболарнинг асрий орзулари, ғоялари бугун ҳам бизга асос бўлиб хизмат қилиши керак. «Одамларга раҳбарлик қилиш, — деган эди Форобий, — бу уларнинг бахт-саодати учун курашмоқдир... Кимдаким одамларни бахт-саодатга эриштириш, шунга зарур бўлган иш-ҳаракатга йўналтириш қобилиятига эга бўлмаса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди».

Шунинг учун маънавий юксак раҳбаргина ўз мамлакати ва халқи манфаатларини ҳимоя қила оладиган, ижтимоий майдонларда собит ва содиқ турадиган, бардам эътиқодли киши бўлади, деб ўйлайман. Академияда шундай кишилар тарбияланиши керак.

**— Тингловчиларнинг аввалги иш жойи сақланадими? Академияни тугатгач, улар қаерларда ишлайди?**

— Шуни таъкидлаш керакки, аввало, энг қобилиятли, умидли ходимларгина академия тингловчиси бўла олади. Улар тегишли давлат, жамоат ва қурилиш тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбариятининг республика Президенти ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси билан келадилар. Шунинг ўзи ҳам танловнинг нақадар талабчанлик асосида ўтишини кўрсатиб турибди.

Тингловчилар ишдан ажралган ҳолда ўқийдилар. Ўқиш давомида асосий иш жойларидаги ўртача маошлари сақланади. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона, йўл ва хизмат сафари харажатлари билан таъминланадилар.

Академиянинг ўн ойлик ўқув дастурини тугатган тингловчиларга танлаган мутахассислиги бўйича магистр даражасидаги давлат дипломи берилади. Улар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига тайинланишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар. Бу уч ойлик малака ошириш курсини битирганларга ҳам тегишлидир.

Давлат ва жамият қурилиши академияси истиқболни кўзлаб барпо этилган салоҳиятли ўқув-илмий даргоҳдир. У мустақиллигимизнинг ёрқин нишоналаридан бири бўлиб, истиқлол учун хизмат қиладиган фозил ва оқил, фидойи раҳбар кадрлар таълим оладиган, миллий ифтихоримиз ҳисобланадиган маърифат маркази бўлади.

**Аҳмал ТОШХЎЖАЕВ**
**суҳбатлашди.**
**(ЎзА).**

---

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## БОШ ВАЗИР ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

***Япония Бош вазири Томиити Мураяма япон милитаристларининг таслим бўлгани тўғрисида битим имзоланганига 50 йил тўлиши муносабати билан махсус баёнот берди.***

У баёнотда япон милитаристлари истибдодидан жабр кўрган кишиларга ва уларнинг оилаларига ўз ҳамдардлигини билдирган.

## ФАВҚУЛОДДА УЧРАШУВ

***Ислом анжумани ташкилоти Боснядаги вазиятни муҳокама қилиш учун фавқулодда учрашув ўтказишга қарор қилди.***

Мазкур ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари шу йилнинг 26 августида Яман пойтахти Санода учрашадилар.



*СУРАТДА: Берлиндаги собор.*

## ЯРИМ ОРОЛДАГИ ТАНТАНАЛАР

***Корея Республикасининг япон мустамлакачилари ҳукмронлигидан озод этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан мамлакат пойтахтида тантанали маросим ўтказилди.***

Маросимда президент Ким Ен Сам сўзга чиқиб Корея ярим оролидаги бугунги вазиятга тўхталиб, ушбу муаммони Жанубий ва Шимолий Корея мамлакатлари баҳамжиҳат ҳал қилиши кераклигини айтди. «Ярим оролда тинчликни сақлаш масъулияти бизнинг зиммамиздадир», — деди у ўз нутқида.

## ТАШРИФ КЎЧИРИЛДИ

***Испания ҳукумати раиси Фелип Гонсалеснинг шу йилнинг 11 сентябрига белгиланган Россия Федерациясига расмий ташрифи Испания томони илтимосига кўра 5 сентябрга кўчирилди.***

Маълумотларга қараганда, Испания ҳукумати раисининг ушбу ташрифи чоғида Россия ва Испания ўртасида ўзаро сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик масалалари, шунингдек, Болқон ярим ороли муаммосини муҳокама қилиш режалаштирилган.

## АВИАКОСМИК КЎРГАЗМА

***Яқин кунларда Россиянинг Жуковск шаҳрида иккинчи халқаро авиакосмик кўргазма очилади.***

Унда жаҳоннинг 23 мамлакатидан 400 дан зиёд фирмалар қатнашиб, ўз маҳсулотларини намойиш қилади. Ушбу фирмаларнинг 300 таси Ҳамдўстлик мамлакатларига тегишлидир. Кўргазмани ташкил этиш учун эса 13 миллион АҚШ доллари сарфланди.

## ҲАМКОРЛИК

***Швеция ташқи ишлар вазири Пьер Шори Украина билан Швеция ўртасидаги ҳамкорликнинг келажагига катта ишонч билдирди.***

У Украина пойтахти Киевга ташрифи чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун икки мамлакат ҳукуматлари янада аниқ режалар ишлаб чиқиши лозимлигини таъкидлади.

## ҚИРҒИЗ ДИЁРИДА

***Туркия Бош вазири Тансу Чиллер Қозоғистон сафаридан сўнг Қирғизистон пойтахти Бишкекка ташриф буюрди.***

Ташриф давомида Туркия ҳукумати раҳбари Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ва республика Бош вазири Апас Жумагулов билан учрашди.

---

# «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

**Шу йил 26 августдан 3 сентябргача Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти кубоги учун профессионал теннисчиларнинг халқаро турнири ўтказилади.**

**Унда жаҳондаги энг кучли теннисчилар иштирок этишади.**

## ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Президент кубоги» халқаро теннис турнирига аккредитация учун аризалар 24 августгача қабул қилинади (2х3 ҳажмдаги 2 та, иложи бўлса, рангли фото зарур).

Мурожаат учун манзил: «Халқ сўзи» газетаси. Тел.: 33-15-22.

**«Президент кубоги» турнирининг матбуот маркази.**

# «МУСТАҚИЛЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР»



*Бугунги кунда республикамизда аёллар жамиятнинг барча қатламларида фаол иштирок этишмоқда. Оддий ишчидан тортиб, юқори раҳбар лавозимларигача уларнинг вакилларини учратиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда аёлларга давлат томонидан алоҳида эътибор берилиб, уларга турли ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни вояга етказиш, корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг иш соатларини қисқартириш сингари тадбирлар фикримизнинг далилидир. Айниқса, Президентимизнинг шу йил 2 март куни қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аёлларимизнинг жамиятда тутган мавқеини янада оширди.*

*Дилбар ҒУЛОМОВА,*
*Республика Бош вазирининг ўринбосари,*
*Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси.*

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

***Мустақилликни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, юртимизда барқарорлик, тинчлик ва тотувлик ҳукм сурмоқда. Оналаримиз собиқ иттифоқнинг баъзи жойларида бўлаётганидек, фарзандларининг уруш домига тортилишидан хавфда эмаслар, ўғил-қизлари учун кўнгиллари тинч.***

Биз биринчи марта мустақил давлатимиз парламенти-Олий Мажлисга кўппартиявийлик асосида, демократик принципларга тўла амал қилган ҳолда сайловлар ўтказдик. Ана шу сиёсий курашда ғолиб чиқиб, давлатимиз олий қонун чиқарувчи органидан ўрин олган вакиллар орасида аёлларнинг борлиги ҳам қалбимизни қувончга тўлдиради.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» ҳақида сўзлаган маърузаси ҳаммамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. У юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган кенг қамровли ривожланиш дастури ҳисобланади.

Ҳа, биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини тиклашга киришдик.

Президентимизнинг Олий Мажлис биринчи ва иккинчи сессияларида қилган маърузаларида белгилаб берилган вазифалар хотин-қизлар ташкилотлари ҳаракат дастурининг ҳам асосини ташкил қилади. Улар янги жамият ва давлат бунёдкорларининг энг фаолларидан бўлишларига шак-шубҳа йўқ. Бугунги кунда хотин-қизларимиз мустақиллик меваларидан тўла баҳраманд бўлмоқдалар. Бундан атиги тўрт-беш йил илгари биз ана шундай ҳуқуқларга эга бўлишимиз, мустақил фаолият кўрсатишимиз, ўзимиз халқаро алоқаларни ўрнатишимиз мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдик. Биз бугун ўзимизнинг қонунларда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларимиздан бемалол фойдалана бошладик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давлатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 19 декабрда қабул қилинган «Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида»ги конвенцияга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, ушбу сессияда Ўзбекистоннинг Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўттиз бешинчи Бош Ассамблеясида қабул қилинган «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияси»га ҳам қўшилганлиги эътироф этилди. Ушбу халқаро ҳужжатларда хотин-қизлар, айниқса оналарга бериладиган имтиёзлар давлатимиз қонунларида ҳам кўзда тутилган. Амалда биз бундан кўпроқ ва кенгроқ имтиёзлар, ҳақ-ҳуқуқларга эгамиз. Таъкидлаш жоизки, бизнинг ушбу конвенцияларга қўшилишимиз Ўзбекистоннинг халқаро қонун-қоидаларни ҳурмат қилишининг, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланганлигининг янги бир ифодаси бўлди.

Республика хотин-қизлари мустақиллик шарофати туфайли халқаро хотин-қизлар ҳаракатида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Ҳозирги пайтда биз Америка Қўшма Штатлари, Германия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатганмиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган ташкилотлари — ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Марказий Осиёдаги қўшни республикалар хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда. 1993 йилнинг октябрь ойида Бишкекда бўлиб ўтган таъсис анжуманида Марказий Осиё мамлакатлари Хотин-қизлар конгрессига асос солинди.

Президентимиз Олий Мажлис иккинчи сессиясида қилган маърузаларида «Туркистон-умумий уйимиз» ҳаракатини тузиш ғоясини илгари сурдилар. Кўпгина ижодий, илмий ва бошқа ташкилотлар каби хотин-қизлар ҳам бу ҳаракатнинг фаол иштирокчилари бўлишларига ишончимиз комил. Жумладан, шу йилнинг 28-30 июнь кунлари республика хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда пойтахтимизда Пекин шаҳрида бўладиган IV Умумжаҳон хотин-қизлар конференцияси олдидан ўтказилган минтақавий семинари бунинг ёрқин далилидир. Унда Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ҳамда ЮНЕСКО ташкилотидан хотин-қизлар вакиллари иштирок этдилар ва Марказий Осиё хотин-қизлари олдида турган муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда кўп партиявийлик мустаҳкам қарор топмоқда. Ўзбекистон халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти», «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Халқ бирлиги» ҳаракати сиёсий майдонга чиқди. Лекин бу партия ва ҳаракат етакчилари орасида хотин-қизларимиз бармоқ билан санарли эканлиги бизни ўйлантиради. Ваҳоланки, эндиликда депутат ўринлари учун курашлар сиёсий партиялар томонидан олиб борилади. Биз Президент Фармонига кўра ҳокимликларда ўзимизга берилган раҳбарлик лавозимлари билан чекланиб қолмасдан, вакиллик органларига ўз номзодларимизни кўпроқ кўрсатишимиз, парламентда хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этишига эришишимиз керак.

Халқимиз — боласевар халқ. Шунинг учун мустақил Ўзбекистонда таъсис этилган биринчи орден «Соғлом авлод учун» деб аталди. Бутун жаҳонда ягона бўлган бундай давлат мукофотини илк бор Ўзбекистонда таъсис қилиниши қалбимизни тўлқинлантирмаслиги мумкин эмас. «Соғлом авлод учун» ҳаракати мамлакатимизда кенг қулоч ёзди. Унинг ташаббускорлари ва энг фаол иштирокчилари хотин-қизлар бўлганлиги табиийдир.

Республикамиз демографик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни, мамлакатимиз аҳолисининг 41 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Кўп болали оилалар ҳам юртимизга хосдир. Ҳозир ҳар бир оилада ўртача 5-6 киши истиқомат қилади. Бизда бола туғилиши ҳам юқори: ҳар бир аёл ўртача 5 нафар ва ундан кўпроқ фарзандни вояга етказаётир. Лекин кўп бола кўриш, фарзандлар туғилиши орасидаги муддатнинг қисқалиги оналар сиҳат-саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганини ҳам яшириб бўлмайди. Ана шунинг оқибатида аёлларимизнинг 44 фоизи турли хасталикларга чалинган. 1991 йилда республикада фарзанд кўрадиган хотин-қизлар (15-49 ёшлилар) саломатлигини тиклаш дастури ишлаб чиқилди. Ана шу тоифага кирувчи 5 миллион 300 нафар хотин-қиз ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Касаллиги аниқланганлар даволанмоқда.

Маълумки, шу йил Қоҳирада жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари вакиллари иштирокида демографик масалаларга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорларда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи марказий ўринни эгаллайди. Бу муаммолар Пекинда ўтказиладиган IV Умумжаҳон хотин-қизлар конференциясининг кун тартибида бўлиши, шубҳасиздир.

Ўзбекистонда ушбу масалалар юзасидан биз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан яқин ҳамкорлик қиляпмиз. Мазкур халқаро ташкилот бош директори Хироши Накажима яқинда мамлакатимизда бўлганида қилинажак ишлар режалари белгилаб олинди.

Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жамиятда хотин-қизларнинг нуфузини яна бир поғона юксалтирди, дейиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида хотин-қизлар ишлари бўлимининг ташкил этилиши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарларидан бири айнан хотин-қизлар масалалари билан шуғулланиши бизнинг келажакдаги фаолиятимизга катта имконият яратади. Хотин-қизлар ишлари бўлими давлат идора ва вакиллик органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар ишлари бўйича ҳоким ўринбосарлари билан ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётида аёлларнинг ролини ошириш каби муҳим масалаларни ҳал этишда хотин-қизларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маърифат, маданият ва таълим-тарбияда уларнинг тутадиган ўрни, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат билан банд қилиш, «Экология ва аёл», «Аёл, оила, маҳалла ва жамият», ҳамда Ўзбекистон хотин-қизларининг дунё хотин-қизлари билан ҳамкорлигини таъминлаш масалалари бўйича жамиятимиз талаблари асосида муҳим ишларни амалга оширишни режалаштирган. Шу билан бирга, ҳали олдимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш ҳамда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириш лозим бўлган қатор ишлар турибди. Ушбу вазифалар бизнинг келажакдаги фаолиятимиз асосини ташкил этади.

Бундай шарафли вазифаларни ҳал этишда меҳнаткаш ўзбек аёллари бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишларига ишончим комил.

*Бошни фидо айла ато қошиға!*
*Жисмни қил садқа ано бошиға!*
*Тун-кунунгга айлагали нурпош,*
*Бирисин ой англа, бирисин қуёш!*

* * *

*Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,*
*Қуллуқ аноға улча имкон қилмоқ,*
*Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,*
*Бил ани ато-аноға эҳсон қилмоқ.*

**Алишер НАВОИЙ.**



## МОМОЛАРИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

***Турмуш тарзимизда гарчи онда-сонда бўлса-да, шарқона қадриятлар, миллий урф-одат, хулқ-одобимизга мос бўлмаган, оила бузилиши, етимхоналарнинг кўпайиши каби қатор салбий иллатлар содир бўлмоқда.***

Ўзбек халқига ёт яна бир иллат — айримлар кекса ота-оналарини қариялар уйларига олиб бориб ташламоқдаки, бундай аянчли ҳол кишини изтиробга солади. Бундан ташқари, айрим аёлларнинг эндигина дунёга келган фарзандларини туғруқхоналарда ташлаб кетишлари, улар ўртасида ичкилик, чекишга ружу қўйиш, қизларимизни ёши етмай турмушга бериш (туғиш чоғида ҳам ана шу ёш қизлар кўпроқ нобуд бўлаяпти) сингари ҳолларга дуч келмоқдамиз.

Албатта, бундай ҳолга лоқайд қараб бўлмайди. Шу боис уларга бутунлай барҳам бериш учун давлат миқёсида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди. Биринчи навбатда республикамизда аёлларнинг ҳаётдаги ижтимоий-иқтисодий ролини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларга эътибор берилди. 1995 йил 2 мартда «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимизнинг Фармони қабул қилинди. Шунга биноан республика Вазирлар Маҳкамасида хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, МДҲ мамлакатларининг бирортасини давлат тизимида бундай бўлим йўқ. Шунингдек, мамлакат хотин-қизлар қўмитаси раиси айни вақтда Бош вазир ўринбосари ҳисобланади. Мана шу мисолнинг ўзиёқ ҳукуматимизнинг аёлларга бўлган беқиёс ғамхўрлигидан нишонадир.

Модомики, Президентимиз ва ҳукуматимиз хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини оширишга шу қадар эътибор бераётган экан, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг юқори самара бериши учун аввало биз ва жойлардаги мутасаддилар оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятлар, инсонпарварлик, сабр-тоқат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик каби сифатларни шакллантиришимиз, келин ва қизларимизга ўргатишимиз лозим. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Шу ўринда бир муаммо мени кўп ташвишга солади. Гап шундаки, турли миллатга мансуб бўлган йигит ва қизларнинг ўзаро турмуш қуришлари натижасида туғилган болалар на отаси, на онаси мансуб бўлган миллатнинг урф-одатлари, анъаналарига эътиқод қўяди. Оқибатда учинчи бир қурама одат юзага келаяпти. Бундай ҳолни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Тўғри, ким билан умр ришталарини боғлаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Мен ҳам ўзга миллат вакилларининг никоҳига қарши эмасман. Фақатгина улар ўз фарзандлари тарбиясига қаттиқ эътибор беришиб, ҳар иккала миллатнинг ҳам урф-одатларини ёшликдан улар онгига сингдириб боришлари даркор.

Аёлларимиз саводхон бўлишсин. Саводхонлик деганда мен фақатгина ўқиш, ёзишнигина назарда тутаётганим йўқ. Дунёда, жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, давлатимиз юритаётган сиёсат моҳиятини тўғри англаш ҳам саводхонликка киради. Қолаверса, улар бола тарбиясида, рўзғор тутишда, эрга муносабатда саводхон бўлсинлар. Ўтмишда момоларимиз ҳар томонлама жуда саводхон бўлишган. Жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Фаробий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий каби буюк аллома ва арбоблар ана шу момоларимизнинг фарзандларидир. Уларнинг буюклик даражасигача эришишларида волидаларининг тарбияси беқиёс ўрин тутганлиги шубҳасиз.

Бундан ташқари, момоларимиз сиёсат бобида, давлат ишларини юритишда саводхон бўлишган. Тўмарис давлатни бошқарган, Бибихоним буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурга салтанатни бошқаришда ўзининг доно маслаҳатлари билан кўмак берган. Шунингдек, Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Нуржаҳонбегим, Мумтоз Маҳал, Зебуннисо бегим, Нодирабегим, Жаҳон отин, Самар бону ва бошқа саводхон, фозила, оқила момоларимизнинг қолдирган бебаҳо маданий-маърифий мерослари билан ҳар қанча ғурурлансак, арзийди.

Яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонликка катта эътибор берилаяпти. Бу ҳол аёлларимизга ҳам тааллуқли, дейиш мумкин.

Қадимда аёлларимиз рўзғор тебратишда ниҳоятда тадбиркор бўлишган. Мисол учун, улар тўнғич фарзандларининг кийимларини кичикларига кийдиришган, шу тариқа ортиқча сарф-харажатларга чек қўйилган. Бу тежамкорлик, тадбиркорлик эмасми? Бундан ташқари, рўзғорда мол-ҳол, экин-тикинга ҳам аёллар қараган.

Бугунги кунда жойларда хотин-қизларга имкониятларига мос иш ўринлари яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Ана шу мақсадда дўппидўзлик, тикувчилик, тўқувчилик, гиламдўзлик каби цехлар ташкил этиш мумкин. Булар кичик ва ўрта тадбиркорликка киради.

Оилаларни мувофиқлаштириш масаласи ҳам бугунги кунда муҳим масала бўлиб турибди. Бунинг маъноси шуки, ўзаро яқинлик ришталарини боғлаётган қудаларнинг моддий, маънавий дунёқарашлари, фикр ва тушунчалари ўзаро мос бўлсин. Борди-ю, бунинг акси бўлса, ўртада ҳар хил паст-баланд гаплар, жанжаллар келиб чиқиши ва оқибатда янги оила бузилиб кетиши мумкин. Тенг тенгги билан, деганларидек, ҳар ким келин ёки куёв танлашда юқоридаги омилларга эътибор берса, фарзандлари оила қургач, тинч-тотув, мазмунли ҳаёт кечиришлари тайин. Менимча, ота-оналар учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Ойниса МУСУРМОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўлими мудири, педагогика фанлари доктори.**



**Фарғона туман марказий шифохона бош гинекологи М. Содиқованинг «Соғлом авлод учун» шиори остида оналар ўртасида олиб бораётган иши оммалаштиришга лойиқ деб топилди.**
**СУРАТДА: Н. Содиқова.**

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## КЕЛАЖАК НИҲОЛЛАРИНИ ЭКМОҚДА

***Мустақилликнинг ҳар бир куни тарихимизда ўзининг салмоқли изларини қолдириб, халқимиз кўнглида ёруғ ва улуғ келажагимизнинг ниҳолларини экмоқда. Истиқлол берган эркинлик, ҳурфикрлик эса юртимиз камолати, аҳоли турмушининг фаровонлиги учун хизмат қилишига ишончим комил. Негаки, бу улуғ мақсаднинг амалга ошишида хотин-қизларимизнинг ўрни ва меҳнати ҳам ҳисобга олинди.***

Бугун мен Қорақалпоғистон хотин-қизлари барча соҳаларда олдинги сафда меҳнат қилаяпти, уларнинг улуши энг юқори даражада деб айта олмайман, албатта. Лекин яқин йилларда қизларимиз орасидан корхона, ташкилот раҳбарлари, йирик менежментлар, маркетинглар етишиб чиқишига ишонаман.

Республика хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини ватанимиз равнақи, эл-юртимиз фаровонлиги, давлатимиз мустақиллиги йўлида олиб борилаётган катта яратувчилик меҳнатида хотин-қизларнинг имкониятлари, ўрни ва иштирокини ҳисобга олишдан бошлади.

Шуни айтиш жоизки, ҳозирги кунда республикамиз хотин-қизлари ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Айниқса, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида хотин-қизларимиз меҳнати самарали бўлмоқда. Айни вақтда республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётганларнинг 60 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар орасида хусусий ер эгалари, деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари, ижарачилар бор. Шунингдек, халқ дастурхонига етказиб берилаётган гўшт, сут маҳсулотларининг қарийб ярмидан кўпини хотин-қизларимиз ўз қобилияти, билими ва ҳалол меҳнати билан етиштираяпти.

Яқинда республикамизнинг бир қатор туман хотин-қизлар қўмиталарида бўлиб, улар фаолияти билан танишдик. Гап шундаки, жойлардаги хотин-қизлар кўп тармоқли хусусий фабрика, кичик корхона эгалари, савдо шохобчаларининг раҳбарлари, деҳқон-фермер хўжаликларининг бошлиқлари, ижара, жамоа корхоналарини бошқараётган етакчилари сифатида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатаётганларидан мамнун бўлдик. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидаги ишбилармон аёлларнинг доимий ҳаракат қиладиган ташкилотини тузиш устида иш олиб бораяпмиз. Чунки иқтисодий ислоҳотларга ҳисса қўшиш, ўз қобилиятларини, билимини ишга солиб, мулкка эгалик қилиб, дадил иш бошлаган аёлларимизга маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий ёрдам жуда зарур, деб ўйлайман.

Республикамиз, асосан, пахтачиликка ихтисослашганлиги туфайли бизда пахтани қайта ишловчи, тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналар қурилишига эътибор кучайтирилмоқда. Мустақиллик шарофати боис қизларимиз қисқа муддат ичида қурилган «Катекс», «Элтекс» тўқимачилик комплексларида ип йигириш, тўқиш, бичиш ва тикиш санъатининг сирларини ўрганмоқдалар.

Айтиш керакки, бугунги кунда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва халқимиз турмушини янада яхшилаш учун амалга оширилиши керак бўлган ҳар бир вазифада хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлашимиз керак. Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёни турмушимиздаги, мамлакатимиздаги янгиланишларга, ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Бу ўзгариш ва янгиланишлар эса ҳар бир оиланинг турмушида ўз аксини топмоқда. Демак, шундай экан биз жамият ва оила деган муқаддас тушунчаларни бир-бирига янада яқинлаштириш учун маънавий, ташкилий, тарбиявий ишларни ҳар қачонгидан ҳам жонлантиришимиз керак бўлади. Хотин-қизлар қўмиталари аввало Президентимизнинг аҳолининг кам таъминланган қисми, ногиронлар, кўп болали оналар, нафақахўрлар, ёлғиз оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида чиқарган қатор фармонларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш лозим. Чунки аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш, ўтиш даврининг иккинчи босқичида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни, қилаётган меҳнатларининг натижалари, мақсад ва ниятлари аниқ кўриниши учун республикамизда «Ишбилармон аёллар» ташкилотидан ташқари «Хотин-қизлар матбуотда», «Ҳуқуқ ва аёл», «Оналик камолати» сингари жамоатчилик асосида ишлайдиган гуруҳларни тузмоқдамиз, шунингдек, хотин-қизлар қўмитаси ўз иши режаларида «Оилани программалаштириш» мақсадли дастурини ҳам ишлаб чиқмоқда. Бу дастурда турмушга энди қадам қўйган ёш оилаларга «Оила бюджети», «Бола тарбияси», «Жамият ва рўзғор» ва бошқа кўпгина масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқмоқдамиз. Буларнинг барчасидан мақсадимиз миллий-маданий мерос, қадриятлар, уларни тиклаш ва тарғибот этишда, оила бахти, жамият тараққиёти, болалар соғлигини сақлашда, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини амалга оширишда уларга яқиндан кўмаклашиш ва уларнинг ҳаётини янада мазмунли ва бахтли бўлишини таъминлашдан иборатдир.

**Гулистон АННАҚЛИЧЕВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг Раиси.**

## АЁЛ, ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

**Ушбу уч омилни бир-биридан ажратиб бўлмайди**

***Кейинги ўн-ўн беш йил ичида республикада болалар ва катта ёшдаги аҳолининг умумий ҳасталикларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Аҳоли саломатлигининг, айниқса аёллар соғлиғининг бундай ёмонлашувига республиканинг барча ҳудудларидаги салбий экологик ҳолат сабаб бўлмоқда.***

Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси экспертлари ҳамда ҳаракатдаги «ЭКОСАН» саломатлик поезди мутахассислари томонидан аниқланишича, экологик офат ҳудудларидаги тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этади. Жумладан, «ЭКОСАН» саломатлик поезди мутахассислари (1993—1994 йиллар давомида ) текширган 20 минг касалдан 12 ярим минги аёллардир. Бундай ҳолатни ҳисобга олган жамғарма ўз фаолиятида атроф-муҳитнинг салбий таъсирини пасайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу ишни жамғарма қошида ташкил этилиб, ўз сафига таниқли олим, табиатшунос, маданият, санъат ҳамда халқ таълими соҳалари мутахассисларини бирлаштирган аёллар уюшмаси бошқармоқда. Уюшмага Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, республика Диагностика маркази бош врачи Дилфуза Ғуломова раҳбарлик қилаяпти. Уюшма режасида учрашувлар, семинарлар, илмий-амалий конференциялар, кўргазмалар ва бошқа экология, аёллар ва саломатлик масалаларини қамраб олган тадбирлар бор.

«ЭКОСАН» аёллар уюшмаси Ўзбекистондаги халқаро ташкилот ва элчихоналар билан биргаликда ўтган «Оила, экология ва саломатлик» мавзусида бўлган давра суҳбатида фаол қатнашди. Учрашув қатнашчиларининг маърузалари тўплам ҳолида рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Уюшма аъзолари Самарқанд шаҳрида ўтган «Мустақиллик, тараққиёт ва хотин-қизлар» республика илмий-амалий конференция ишида ҳам иштирок этди. Уюшма фаоллари томонидан фақат 1995 йилнинг биринчи ярмида газета саҳифаларида, радио ва ойнаи жаҳонда экология ва аёлларнинг долзарб муаммоларига бағишланган 20 дан зиёд мақола ва чиқишлар амалга оширилди. Орол денгизи ҳудудида аёллар ва болалар саломатлигини ёмонлаштирувчи экологик омиллар таъсирини камайтириш учун жамғарма катта иш олиб бормоқда. Шу йил февраль ойидан ЮНИСЕФ билан биргаликда тайёрланган Оролбўйи ҳудудидаги аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилувчи «АСПЕРА» дастурини амалга оширишга киришилди. Қиймати 3 миллион 150 минг АҚШ доллари бўлган лойиҳа Оролбўйи ҳудудидаги оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, овқатланиш, бошланғич таълимни мукаммаллаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси, сув таъминоти, санитария ва бошқа махсус лойиҳаларни амалга оширади. Дастурда Оролбўйи ҳудудида аёллар ўлимини кескин камайтириш, бир ёшгача бўлган болаларнинг 95 фоизини барча турдаги вакциналар билан эмлаш, икки йил орасида 5 ёшгача бўлган болаларнинг пневмония касаллиги сабабли ўлимини олдинги йилга нисбатан 3,1 фоизга, диарея касаллиги сабабли эса 25 фоизгача камайтириш кўзда тутилган. Ушбу дастурга мувофиқ 1996 йилга келиб организмда темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқадиган анемия (камқонлилик) касаллигини 1994 йилга нисбатан 60 фоизгача қисқартиришга эришилади.

«АСПЕРА» дастурининг бажарилиши 1998 йилда Оробўйи ҳудудида аёллар ва болаларнинг саломатлигини сезиларли яхшиланишига олиб келади.

Аёл-экологлар «ЭКОСАН» клуби йиғилишлари воситасида кенг жамоатчилик, давлат ва тижорат тармоқларини экология ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммоларга қаратаяптилар. Жамғармамиз яқин орада республика хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда қилинаётган ишларни фаоллаштириш учун қатор ташкилий-амалий тадбирларни режалаштирмоқда.

**Юсуф ШОДИМЕТОВ,**
**халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси президенти.**

• *Халқ ҳунармандчилиги*

# ЭСИМНИ ТАНИБМАНКИ, УСТАЧИЛИК ҚИЛАМАН



**— дейди 70 ёшли Абдурашид ота**

***Чорсу. Пойтахт меҳмонларию мезбонлари-ла ҳар доим гавжум улкан ва қўҳна бозор... Дарвоқе, унга кимларнинг йўли тушмаган, дейсиз. Бозорга шундоқ кираверишда, йўлнинг чап қисмида қатор тизилиб кетган ҳунармандчилик расталарида усталар томонидан тайёрланган турли хил уй-рўзғор буюмлари, иморат ва қурилиш учун ишлатиладиган безакларни кўриб, бобомерос қадим Шарқ ҳунармандчилик анъаналарининг қайта ривож топа бошлаганининг гувоҳи бўласиз...***

Қадимда шаҳар, туман, қишлоқ, ҳатто ҳар бир маҳалланинг ўз устаси бўлган. Улар пахса уришдан тортиб, эшик, дераза, қўйингки, иморат қурилиши учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини тайёрлаш санъатини пухта эгаллаганлар. Биргина масжид, карвонсаройларнинг икки табақали дарвозаларини олиб кўрайлик. Улардаги шаклшамойилнинг мураккаблиги, гўзал ўймакор нақшларнинг ўзи катта меҳнат ва маҳоратни талаб этади.

— Бироқ у даврларда ҳунармандчилик кенг қулоч ёзганига қарамай, тайёрланадиган маҳсулотларнинг тури ҳозиргидек кўп бўлган эмас. Албатта, замон ўзгарган сари одамларда янги нарсаларга эҳтиёж туғилаверади. Менимча, бунинг асосий сабаби шу бўлса керак, — дейди биз билан суҳбатда кекса уста Абдурашид ота Тўрахўжаев, — 1917 йилги инқилобдан кейин бу ҳунар билан шуғулланувчилар кескин камайиб кетди. Айниқса, урушдан кейинги давр — 1948-50-йилларда Қўйлиқ бозоридан тортиб, Олой, бу ёғи Чорсу бозоригача борйўғи 4-5 та ҳунармандни учратиш мумкин эди. Ҳозирда эса уларнинг сони 400 дан ортиқ.

Абдурашид Тўрахўжаев Собир Раҳимов туманининг Сузук Ота маҳалласида истиқомат қилади, етмишни қоралаб қолган. Мабодо у кишидан «Бу касб билан қачондан буён шуғулланасиз?» деб сўрасангиз, «Эсимни таниганимдан бери», деган жавобни оласиз.

— Шукур, олти нафар ўғлим бор, — дейди ота фахр билан. — Улғайиб, ўзлари билан тиниб кетишган. Бўш вақтларида келиб, ёрдам бериб туришади. Қизиқишади-да. Ахир болаликдан қадрдон бўлиб қолган устахонасини унутишадими?

— Ҳунармандчилик сирларини уларга ҳам ўргатган бўлсангиз керак?

— Уста халқида: «Болани ҳунарга ёшлигидан ўргат», деган нақл бор. Фарзандларимнинг суяги шу касбда қотган.

— Сиз кимдан таълим олгансиз?

— Отамиздан...

— Ҳозир нималар тайёрлаяпсиз?

— Кўриб турганингиздек, тахтадан ишланадиган безаклар, иморат учун панжара, бўз ва фанер гуллар... Ёғочни қиммат баҳода бозордан сотиб оламиз. Бундан ташқари, буюртма асосида синиб, яроқсиз ҳолга келган стол-стул, шкаф, диванлар ва ёғочдан тайёрланган чет эл буюмларининг таянч қисмларини қайтадан тайёрлаб берамиз. Бу кўзингизга арзимаган иш бўлиб кўрингани билан жуда қийин. Ҳар ким ўз меҳнатининг қадрини ўзи билади, дейишади-ку?

— Айтинг-чи, шу ёшингизда иш оғирлик қилмаяптими?

— Олдингидек шаштимиз йўқ. Лекин бўш келмаяпман. Ҳунармандчилик қонимизга сингиб кетган. Кўнгил қурғур унга тортаверади.

— Мижозларингизнинг сиздан ранжиган пайтлари бўлганми?

— Эслолмайман... Ишингиздан бирининг кўнгли тўлмаса, иккинчиси ҳам келмай қўяди. Уларнинг кўнгли учун бор ҳунарингни ишга солишга тўғри келади.

Дарҳақиқат, Абдурашид отанинг дўконига кирган киши ҳайратомуз бежирим буюмларни кўриб, бу ердан бирорта мижоз норизо қайтмаслигига амин бўлади. Қўҳна ўзбек миллий анъанаси — ҳунармандчиликка ўз умрини бахшида этган Абдурашид ота Тўрахўжаев билан хайрлашиб, дўкондан чиқар эканмиз, хаёлимиздан шу фикр кечди.

Харидорлар ҳар бир буюмга алоҳида қизиқиш билан тикилишади. Дарвоқе, ярмарканинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ...

Шарқона услубдаги бу дўконлар чамаси уч йил муқаддам қуриб битказилиб, давлат томонидан ҳунарманд усталарга арзон баҳоларда сотилган эди. Бу уларнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Чунки тайёрлаган молларини сотиш учун аниқ бир жойи бўлмаган усталарнинг эндиликда ўз шахсий дўконлари бор. Тўғри, баъзилар олдинлари хонадонларида савдо қилар, буюртмачилар ҳам шу ерга келишарди. Лекин «уй-дўкон»ларни ён атрофдагилар, нари борса уч-тўрт маҳалла кишилари билар, савдо-сотиқ ҳам шунга яраша бўлар эди.

Асрлар мобайнида ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунармандчилик ҳозирги пайтда ҳам, илгаригидек, ўзининг шаклан жозибадорлиги ва халқимиз руҳига мослиги билан ажралиб туради. Бу анъанавийликни, айниқса, қишлоқ ҳунарманд усталарининг ишларида кузатиш мумкин. Муҳими, бу қадимий анъанамиз тобора кенг тус олиб, ўз қадрини топмоқда.

**Ойбек ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# КЎП ҚИРРАЛИ МАЙДОН



**ёки андижонликлар барпо этаётган теннис кортидан репортаж**

***Биз Андижон вилоятида улкан теннис корти қурилаётгани ҳақида хушхабар олган эдик. Кеча мухбиримиз ушбу қурилиш жараёнининг бориши тўғрисида аниқ маълумотлар олиш мақсадида Андижон шаҳрига сим қоқиб, бунёдкорлик ишларининг бош пудратчиси, вилоят «2-Агроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Мадаминжон Содиқов билан суҳбат ўтказди.***

**— Андижонда барпо этилаётган теннис корти мажмуи ўзининг бетакрор жиҳатлари билан Ўзбекистондаги ягона ўйингоҳлардан саналаркан...**

— Дарҳақиқат, ҳадемай андижонлик спортсеварлар ҳам дунёдаги энг мафтункор ўйин — теннис билан бемалол шуғулланиш имкониятига эга бўладилар. Ҳозир шаҳар марказида барпо этилаётган мазкур қурилиш иншоотида қизғин иш жараёни давом этаяпти. Туну кун тинимсиз меҳнат қилаётган «2-Агроқурилиш» бунёдкорларига қўшни Қозоғистон Республикасидан ҳам қурувчилар ёрдамга келган.

Мазкур теннис мажмуи очиқ ва ёпиқ кортлардан иборат бўлиб, ёпиқ қисмида спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказиш мумкин. Бунинг учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар эътиборга олинган. Кортнинг 1.320 ўриндиқли очиқ майдонида эса жазирама иссиқ ёки ёғингарчилик кунларида ҳам бемалол ўйинлар ўтказиш имконияти бор. Чунки унинг тепа қисмига очилиб-ёпиладиган махсус соябон ўрнатилган. Жараён автомат усулда бажарилади. Кортларга тўшалаётган сунъий қум Франциянинг «Хеллеко» фирмаси мутахассислари томонидан махсус тайёрлаб жўнатилган. Ёки Эрон, Исроил каби теннис бўйича тажрибали мутахассисларга эга бўлган йирик давлатларда ишлаб чиқарилган энг замонавий спорт анжомлари ва корт жиҳозларининг ҳам бу ерда кенг қўлланилиши, теннис майдонининг халқаро меъёрларга тўла жавоб беришидан далолат бериб турибди. Бир-биридан чиройли қилиб безатилган сауна, прессбар, массаж, дам олиш каби хоналар тўғрисида ҳар қанча гапирсангиз оз. Улар бетакрор деворий шакл ва шарқона безакларга эгаки, кирсангиз ҳар бири қасрни эслатади.

Бизнинг бунёдкорлик ишларимиз билан танишиш, таҳлил қилиш истагида Тошкентдан келган мутахассисларнинг фикрича, бу иншоот кўп жиҳатдан Ўзбекистондаги ягона спорт мажмуидир.



**— Демак, шу йил 26 августдан 3 сентябргача Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти кубоги учун профессионал теннисчиларнинг халқаро турнир мусобақалари иштирокчилари Андижонда ҳам чиройли ўйинлар кўрсатиши мумкин эканда?!**

-Шундай деса ҳам бўлади. Биз мазкур иншоотни 26 августга қадар тайёр ҳолатга келтириш мақсадида икки, ҳатто уч сменада иш ташкил қилганмиз. Аммо бу янги кортлар мажмуаси Президент кубоги учун бўладиган халқаро турнир баҳслари дастуридан ўрин олмаганлиги туфайли бу ерда ҳозирча мусобақалар бўлмайди. Шунга қарамай, қурувчиларимиз «Қозоқпўлатмонтаж» бирлашмаси бунёдкорлари билан бирга иш суръатини бир дақиқага ҳам сусайтирганлари йўқ. Аслида бу улкан иншоотнинг расмий очилиш маросими республика мустақиллиги куни — 1 сентябрда амалга оширилади. Шаҳар ҳокимлиги ҳам байрам тантаналарини шу майдонда ўтказишни режалаштирган. Чунки бу ерда теннис кортларидан ташқари яна бир қанча қурилиш-тиклаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Чунончи, кираверишдаги катта боғ ҳудудида меъморчилик ишлари жадал суръатларда олиб борилаяпти. У ерда Шарқ ва Ғарб архитектура санъати намуналарини ўзида мужассамлаштирган ёдгорликлар, монументлар мажмуаси ҳар хил манзаралар кашф этаётир. Айниқса, фусункорликда бир-биридан қолишмайдиган улкан фавворалар шаршараси боғдаги сайр этувчиларга ҳам, кортдаги ўйинчиларга ҳам бирдек ҳузур бағишлаб туришини бектакрор мўъжизанинг бир кўриниши дейиш мумкин.

Энг муҳими шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларининг айтишича, у ерда барча улуғ саналар, жумладан, Мустақиллик, Наврўз, Ҳайит байрамлари ҳам нишонланар экан. Демак, теннис корти андижонликларнинг энг севимли масканларидан бирига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

**Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири**
**Ўктам ДЎСТЁР ёзиб олди.**

***СУРАТЛАРДА:** Андижон теннис корт мажмуида қурилиш қизғин; МПМК-128 корхонаси пайвандловчиси Муҳаммадкарим Юнусов.*

---

# БЕШРАБОТ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

***Навбаҳор тумани маркази — Бешработдаги «Ғалаба» боғида чойхона ишга туширилди. Чойхона атрофи замонавий безатилган.***

Шундоқ ёнгинасида эса ёшлар қаҳвахонаси қурилиши туғалланиш арафасида. Бу қурилишлар лойиҳасини туман бош меъмори Юнус Жўраев тайёрлаган. Биноларнинг кўриниши ва қурилиши замонавий бўлсада, кўп жойларига шарқона нафис безаклар берилган. Чор-атроф кўкаламзорлаштирилиб, дов-дарахтлар ўтқазилган. Бу ишларнинг барчасини Бешработ жамияти усталари амалга оширишди.

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


«МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

«МУСТАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



**ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА АВТОМОБИЛЛАР, ТЕЛЕРАДИОАППАРАТУРАЛАР, МЕБЕЛЬ ТЎПЛАМЛАРИ, ЭЛЕКТРЖИҲОЗЛАР, КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.**

*Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.*

Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

*Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.*

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин

33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНКИ | АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКСАВДО | ЎЗБЕКБИРЛАШУВ



**Ижарадаги Гулистон матбаа ишлаб чиқариш бирлашмаси пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга**

1. Маҳкама китоби.
2. Иш юритиш дафтари.
3. Эҳтиёж катталигидаги қоғозлар.
4. Ёзув дафтари.
5. Ўқувчилар кундалик дафтари.
6. Расм дафтари.
7. Умумий дафтар.

**СОТАДИ**

*Алоқа учун телефонлар:*
*2-12-16, 2-09-44.*



**Покистоннинг "Амбер Энтерпрайзес" фирмаси**

нархи арзонлаштирилган халқ истеъмоли молларини

**25 фоиз**

сийлови билан таклиф этади.

Чакана ва улгуржи савдо қилинади.

Пул ўтказиш йўли билан ҳам харид қилиш мумкин.

*Дўконларимизга МАРҲАМАТ!*

**Дўконларнинг манзиллари:**

Навоий кўчаси, Марказий телеграф қаршисидаги савдо расталари, **"Саъдулло Ота" дўкони.**

*Телефонлар: 44-65-38, 44-24-73.*

Фарҳод кўчаси, "Сони" ва "ДЭУ" дўконлари оралиғидаги савдо расталари, **"Наврўз" дўкони.**

*Телефон: 75-28-74.*

Мирзо Улуғбек тумани, А. Тўқай кўчаси, Ц-2, **"Болалар дунёси" дўкони.**



**Миллий Инвестиция фондининг акциялари бу**

*- маблағларингизни ишончли қўлларга топшириш*

MILLIY INVESTICIYA FONDI • МИЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

*ва сизнинг сармояларингизнинг тез ўсишидир.*

Сотиб олиш - 100 сўм; Сотиш - 100 сўм.

Тошкент шаҳри, Мустақиллик, 6 (1-подъезд, 3-қават).
Тел.: (3712) 39-17-63, 39-15-79, 39-44-63.



**"NURSE"**

**акционерлик компанияси қуйидагиларни**
***Сотади:***

1. Чет элда тайёрланган паркет шаклидаги расмли ленолиум.
2. Комплект ҳолдаги фурнитурали (4 хил рангда) сантехника ускунаси-Хитойда тайёрланган.
3. Чет элда тайёрланган 100 номдаги халқ истеъмол моллари.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари- АҚШ да тайёрланган.

**Ҳақ тўлаш усули - ихтиёрий.**

**Манзил:** ***Буюк Турон кўчаси, 41, 1420- хона.***
**Телефонлар:** ***33-83-77, 36-58-13.***





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — О. Тўрақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0351. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.15. 1 2 3 4 5 6